ЖАҲОН БАНКИНИНГ LPI - ЛОГИСТИКА САМАРАДОРЛИГИ ИНДЕКСИ

Хамидов Хуршид
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

https://doi.org/10.5281/zenodo.10150187

Жаҳон банкининг Logistics Performance Index (LPI), яъни Логистика самарадорлиги индекси – бу мамлакатларнинг савдо логистика соҳасидаги муаммолари, уларни бартараф қилиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш мумкинлигини ва истиқболли имкониятларни аниқлаш учун яратилган интерактив таққослаш воситаси.

Логистика самарадорлиги индексининг субиндекслари



Логистика самарадорлиги индексининг методологияси

Ушбу Методология, Жаҳон банки томонидан Турку шаҳридаги (Финляндия) университет билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Халқаро LPI

Саккиз мамлакат ташқи савдо айланмаси ҳажмига мувофиқ энг муҳим экспорт ва импорт бозорлари (мамлакатлар) сифатида танланади.
Ушбу мамлакатлардан, Ўзбекистон Республикаси билан экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи, ўзбек товарлари учун экспедиторлик ва логистика хизматларини кўрсатадиган ва Ўзбекистон Республикасида ваколатхоналарига эга компаниялар респондент сифатида танланади.

Ички LPI

Маҳаллий респондентлар экспорт, импорт ва халқаро транспорт билан шуғулланадиган компания ва ташкилотлар бўлиши мумкин.
Унда респондентлар ўзлари ишлаётган мамлакатдаги логистика муҳити тўғрисида сифатли ва миқдорий маълумот беради.

LPI - логистика самарадорлиги индекси Республиканинг эгаллаб турган ўрни

Country *Давлат*	Year *Йиллар*	LPI Rank *LPI ўрни*	Customs *Божхона*	Infrastructure *Инфра-тузилма*	International shipments *Халқаро ташувлар*	Logistics competence *Логистик компетенция*	Tracking & tracing *Кузатув имкониятлари*	Timeliness *Вақт*
Uzbekistan	2023	88	74	89	91	92	105	101
Uzbekistan	2018	99	140	77	120	88	90	91

LPI - логистика самарадорлиги индекси Республиканинг эгаллаб турган ўрни (динамикаси)

Country *Давлат*	Years *Йиллар*	LPI Rank *LPI ўрни*	LPI Score *Умумий*	Customs *Божхона*	Infrastructure *Инфра-тузилма*	International shipments *Халқаро ташувлар*	Logistics competence *Логистик компетенция*	Tracking & tracing *Кузатув имкониятлари*	Timeliness *Вақт*
Ўзбекистоннинг ҳар бир субиндекси бўйича 2023 йилда эгаллаган ўрни			88	74	89	91	92	105	101
Uzbekistan	2023	88	2.6	2.6	2.4	2.6	2.6	2.8	2.4
Uzbekistan	2018	99	2.58	2.10	2.57	2.42	2.59	2.71	3.09
Uzbekistan	2016	118	2.40	2.32	2.45	2.36	2.39	2.05	2.83
Uzbekistan	2014	129	2.39	1.80	2.01	2.23	2.37	2.87	3.08
Uzbekistan	2012	117	2.46	2.25	2.25	2.38	2.39	2.53	2.96

ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР



САВДО ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ СИФАТИ ПАСТЛИГИ

ИНФРАТУЗИЛМА ҲОЛАТИ

- Автомобиль йўлларининг узунлиги **184,0 минг км**, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари **42,7 минг км**, шундан, **3981 км** халқаро аҳамиятдаги йўллар, **14100 км** давлат аҳамиятидаги йўллар ҳисобланади
- Умумий фойдаланишдаги темир йўллари – **7 400,5 км**, шундан, **3145 км** электрлаштирилган (**42,5 фоиз**)
- Фойдаланишдаги ички сув йўллари – **550 км**, ундан кема қатнайдиган – **280 км**;
- Юкларга ишлов беришнинг йиллик қуввати умумий **10,4 миллион** тоннага тенг **15 та** йирик логистика марказлари мавжуд

МУАММОСИ

- Республиканинг **транспорт** ва **йўл инфратузилмасини** эскирганлиги ҳамда уни етарли даражада **молиялаштирилмаётганлиги**, соҳага **хусусий инвесторларни жалб қилиш ишлари суст**
- Йўлларнинг техник даражаси пастлиги **автомобилда ташишда катта харажатларни** келтириб чиқармоқда
- Республикада мавжуд **TIR паркларда етарлича шароит яратилмаган**
- Транспорт воситалари парки **эскирган**
- Пуллик автомобиль йўллари **(автобанлар) мавжуд эмас**

89 ўрин — САВДО ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ СИФАТИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА

САВДО ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ

ВАГОНЛАР ВА КОНТЕЙНЕРЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ

- Темир йўлда **контейнер ташишлар улушини камида 1,5 баробарга ошириш**
- Контейнер терминалларини **хусусий инвесторларни жалб этиш асосида кенгайтириш**
- Янги **локомотивлар, вагонлар, автотранспорт воситаларини** харид қилиш ҳисобига **транспорт паркини янгилаш**
- Пуллик автомобиль йўлларини қуриш, бунда, мазкур ишларнинг дебочаси сифатида **“Тошкент-Андижон”** ва **“Тошкент-Самарқанд” пуллик автомобиль йўлини қуриш**

ЮК СТАНЦИЯЛАР ВА АТРОФИДАГИ ОМБОРХОНАЛАР МУАММОСИ

- Тошкент шаҳрида мавжуд станциялар ва уларнинг атрофидаги омборхоналар сонини **2 мартагача қискартириш**
- **Тошкент шаҳри** ҳудудидан олиб ўтиладиган **импорт товарлари ҳажмини 50 фоизга қисқартириш**
- Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларини **реконструкция қилиш, таъмирлаш** ва **қуриш**, йўл индустрияси **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**
- Автомобиль йўллари бўйида **замонавий транспорт инфратузилмасини** (TIR парклар) барпо этиш

89 ўрин — САВДО ВА ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ СИФАТИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА → **80 ўрин**

ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЮҚОРИЛИГИ

ДИЗЕЛ ЁҚИЛҒИСИНИНГ НАРХИ ЮҚОРИЛИГИ ВА СИФАТИ ПАСТЛИГИ

- Евро-**5** ва Евро-**6** стандартларига жавоб берадиган **сифатли дизель етарли эмас**
- Ёқилғи нархи қўшни давлатларга нисбатан **30-50 % қиммат**. Дизель нархи **1,5 долл.**

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ РИВОЖЛАНМАГАН

- Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтувчи халқаро транспорт йўлаклари **етарлича ривожланмаган**

ХУСУСИЙ ОПЕРАТОРЛАР МАВЖУД ЭМАС

- Темир йўл транспортида ўзининг ҳаракатланувчи таркибига эга **хусусий операторлар** фаолияти ривожланмаган

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИМТИЁЗЛАРНИНГ ЙЎҚЛИГИ

- Юк ташувчилар ва логистика операторлари учун эркин иқтисодий зоналардаги **солиқ имтиёзлари амал қилмайди**

91 ўрин — РАҚОБАТБАРДОШ НАРХЛАРДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚУЛАЙЛИГИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА

ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ

ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИНИНГ НАРХИ ЮҚОРИЛИГИ ВА СИФАТИ ПАСТЛИГИ

- Дизель ёқилғисини сотишда бозор механизмларини қўллаш
- Евро-5 ва Евро-6 стандартига жавоб берадиган дизель ёқилғи нархини **30-35% тушириш**

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ РИВОЖЛАНМАГАН

- Халқаро транспорт йўлакларига чиқишни таъминлайдиган янги ҳамда муқобил мультимодал транспорт йўлакларини ривожлантириш
- Барча транспорт турларида транзит юк ташиш ҳажмини йилига **15 миллион тоннагача** ошириш

ХУСУСИЙ ОПЕРАТОРЛАР МАВЖУД ЭМАС

- Республика **темир йўл транспорти** соҳасига **хусусий секторни** кенг жалб қилиш, уни қўллаб-қувватлаш, темир йўл транспорти корхоналарида **операцион ва хизмат кўрсатувчи** ҳамда истеъмолчи ўртасидаги бизнес жараёнларни **рақамлаштириш**

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИМТИЁЗЛАРНИНГ ЙЎҚЛИГИ

- ЭИЗларда **20 та логистик марказ** (кластер)ларни барпо этиш учун инвесторларга имтиёзлар бериш
- Улардан **5 таси** мультимодал, кенг кўламли, замонавий логистик марказлари бўлиши керак

91 ўрин — РАҚОБАТБАРДОШ НАРХЛАРДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҚУЛАЙЛИГИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА → **80 ўрин**

ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ВА СИФАТИ ПАСТЛИГИ

ХАЙДОВЧИЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ

- **7,0 мингта** халқаро тоифадаги ҳайдовчиларга **талаб мавжуд**
- Республикада **18,3 мингта** автотранспорт воситаларида **21 мингга** яқин ҳайдовчилар фаолият юритмоқда *(халқаро тажрибада **2 та автотранспорт** воситасига камида **3 та ҳайдовчи** тўғри* келади)
- Транспорт, логистика ва божхона хизматларини кўрсатишда **профессионал кадрларнинг етишмаслиги**

ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА ХУҚУҚИЙ МУХОФАЗА ЙЎҚЛИГИ

- Ҳозирги кунда миллий юк ташувчиларнинг **хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми жорий этилмаган**

ЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНМАГАНЛИГИ

- Асосий халқаро магистрал йўналишлардаги **логистика марказлари сони етарлича эмас (15 та), чекланган хизматлар кўрсатмоқда**
- Логистика хизматлари **3PL ва 4PL даражасида жорий этилмаган**

92 ўрин — **ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ВА СИФАТИ, ЮК ТАШИШ, ЭКСПЕДИТОРЛИК ВА БОЖХОНА БРОКЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА**

ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ

ХАЙДОВЧИЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ

- Ҳар бир вилоятда **халқаро тоифадаги хайдовчилик малака ошириш курсларини ташкил этиш**
- Йилига камида **1000 та малакали ҳайдовчи тайёрлаш**
- Транспорт, логистика ва божхона хизматлари соҳасида **профессионал кадрлар тайёрлаш**, ахборот технологиялари **кўникмаларини шакллантириш** ва **малакасини доимий ошириш**

ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДА ХУҚУҚИЙ МУХОФАЗА ЙЎҚЛИГИ

- Элчихоналарда **24/7 тизимида** ишлайдиган ишонч рақамларини жорий қилиш

ЛОГИСТИКА МАРКАЗЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНМАГАНЛИГИ

- **Логистика марказлари тармоғини яратиш** ва уларнинг **юкларга ишлов бериш қувватини 2 баробарга ошириш**
- **3PL ва 4PL даражада транспорт ва логистика хизматларини** кўрсатувчи корхоналар сонини ошириш

92 ўрин — **ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ВА СИФАТИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА** → **80 ўрин**

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

ЮКЛАРНИ КУЗАТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ

МУАММОЛАР

- Республика ҳудуди **100 фоиз мобил алоқа база станциялари** билан таъминланмаган
- Мобил **интернет тезлиги пастлигича, нархи юқорилигича** қолмоқда
- Ишлаб чиқариш жараёнида **штрих** ва **QR–кодлар** каби автоматик идентификациялаш технологиялари **кенг жорий этилмаган**

ТАКЛИФЛАР

- Юкларни юклашдан то етказиб бериш пунктига қадар бўладиган ҳар бир жараённи кузатиб боришда **электрон платформа тизимини яратиш**
- Юкларни реал вақт режимида кузатиб бориш учун керак бўладиган мобил алоқа операторларида **арзонлаштирилган халқаро роуминг интернет тарифларини жорий қилиш**
- Ишлаб чиқариш жараёнида **штрих** ва **QR–кодлар** каби автоматик идентификациялаш технологияларини **кенг жорий қилиш** ва ушбу кодлар ёрдамида **юкларни кузатиш** имкониятларини яратиш

105 ўрин — ЮКЛАРНИ КУЗАТИШ ҚОБИЛИЯТИ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА → **89 в ўрин**

ЮКЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ ЯХШИЛАШ

МУАММОЛАР

- **Виза** ва бошқа халқаро ташишларни амалга ошириш учун **рухсат берувчи ҳужжатларни олишдаги мураккабликлар**
- **Шартномасиз юк ташишларни амалга ошириш.**

ТАКЛИФЛАР

- Хорижий давлатлар билан келишув асосида халқаро йўналишда транспорт воситасини бошқарувчи шахслар учун **виза ва** бошқа халқаро ташишларни амалга ошириш юзасидан **рухсат берувчи ҳужжатларни олишни соддалаштириш** чораларини кўриш
- **Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш**, соддалаштирилган тартибда юк ташишларни амалга ошириш бўйича **икки** ва **кўп томонлама келишувларга эришиш**

101 ўрин — ЮКЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШ СУБИНДЕКСИ БЎЙИЧА → **90 ўрин**

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРДАГИ МУАММОЛАР

КОРИДОР

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН (ЭРОН) – ОЗАРБАЙЖОН – ГРУЗИЯ - ТУРКИЯ

ТЕМИР ЙЎЛ	АВТОМОБИЛЬ
МАСОФА (км)	
4 900	4 600 4 800
ТАШИШ МУДДАТИ (кун)	
25	13-21
ТАШИШ НАРХИ (долл.)	
4 200 +1 000	3 500-4 000 (экспорт) +2 000 6 500-7 000 (импорт) +1 500

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ЮКЛАР ҲАЖМИ

3,2
млн. тонна

АСОСИЙ ЮКЛАР

- МЕТАЛЛ ВА БУЮМЛАР
- ТЕХНОЛОГИК АСБОБ-УСКУНА
- ИП-КАЛАВА
- МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР

МУАММО

"ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН – ЭРОН" КОРИДОРИДАГИ МУАММОЛАР:

- **"Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон"** транспорт коридоридаги асосий муаммолар:
- ҳайдовчилар учун **Туркманистон** визасини олиш муаммолигича қолмоқда;
- **Туркманистонда** ўрнатилган чекловлар *(божхона кузатуви, фақат транзит ва кундуз пайтида ҳаракатланишга рухсат)* автомобилда юк ташувларига салбий таъсир ўтказмоқда;
- **Туркманистон** ва **Эрон** ҳудудида автомобилда юк ташувида ундириладиган қўшимча йиғимлар транспорт харажатлари ошишига сабаб бўлмоқда;

Маълумот учун:
*Туркманистон ҳудудида қўшимча тўловлар **420 долл**, Эронда **800-1000 долл**, Ўзбекистонда мос равишда **150/400 долл**.*

САБАБ

"ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН/ҚОЗОҒИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН – ГРУЗИЯ – ТУРКИЯ (ЕВРОПА)" ТРАНСПОРТ КОРИДОРИДАГИ МУАММОЛАР:

- **Каспий** денгизи орқали юк ташувларини амалга оширишда **Озарбайжоннинг "Алят"** порти ҳамда **"Каспар"** *(денгизда юк ташувчи)* ўтказувчанлик ва ташиш қобилияти етарли эмас;

Маълумот учун:
***"Алят"** портининг ўтказувчанлик қобилияти бир йилда **15 млн тонна** ва **50 минг** контейнер ташиш учун **15 та** кемаси мавжуд.*

- **Грузия** ва **Озарбайжонда** темир йўл вагонларининг етишмовчилиги мавжуд, портлар инфратузилмаси бугунги кундаги юк ҳажмини ўтказишга мўлжалланмаган, портларда тирбандликлар юзага келмоқда, мазкур портларда **Ўзбекистон**нинг қайта ишлайдиган ва сақлайдиган терминаллари мавжуд эмас.

ТАКЛИФЛАР

- **Туркманистон** билан йиғим ва тўловларни камайтириш;
- **Туркманистон** ва **Кавказ** мамлакатлари **порт**ларида қўшимча **чегирма**лар олиш;
- **Туркманистон** ҳудудидаги **40%** чегирмани **50%** етказиш *(темир йўл ташувларида)*;
- **Грузия** портларида **причал**ларни **ижарага олиш.**

Натижада:
3-5 кунгача юк ташувлари муддати ва **20%** гача ҳаражатлар қисқарилиши кутилмоқда.

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРДАГИ МУАММОЛАР

КОРИДОР

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН/ҚИРҒИЗИСТОН – ХИТОЙ

ТЕМИР ЙЎЛ	АВТОМОБИЛЬ
МАСОФА (км)	
5 950	5 900
ТАШИШ МУДДАТИ (кун)	
20	22
ТАШИШ НАРХИ (долл.)	
8 700-9 500	3 500-4 000 (Хитойгача) +1 000

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ЮКЛАР ҲАЖМИ

16,4
млн. тонна

АСОСИЙ ЮКЛАР

- ТЕХНОЛОГИК АСБОБУСКУНА
- ИП-КАЛАВА
- МЕТАЛ ВА БУЮМЛАР

МУАММО/САБАБ

- **Хитой темир йўллари** қўлланилаётган чекловлар **Ўзбекистонга** келаётган юкларнинг етказиш муддати ўртача **70-80 кунни** ташкил этмоқда *(пандемияга қадар **30-40 кун**)*;
- **Хитой**дан **Ўзбекистон**га **1 дона** контейнерни ташиш харажати **3 баробарга** *(**4-5 мингдан 12-16 минг. долл**)* ошган. Юкларни консолидациялаш ва контейнер блок поездларда ташиш етарли даражада ташкил этилмаяпти;
- **Иркештом** чегара ўтказиш пункти ҳафтада **5 кун** фақат кундузги вақтда ишлаши "**Андижон – Ўш – Иркештом**" йўналишида **юк ташувлари ҳажмига салбий таъсир қилмоқда.**

ТАКЛИФЛАР

- ***Қозоғистон/Хитой*** чегара ўтказиш пунктида (Достиқ, Олтинкўл) юк ташувларини тезлаштириш мақсадида Транспорт вазирлиги / ***Ўзбекистон*** темир йўллари вакилини жойлаштириш, «блок-поездларни» ташкил этиш;
- Чегара ўтказиш пунктларида рақамли технологияларни жорий этиш (E-PERMIT, E-TIR, E-CMR);
- **"Иркештом"** чегара-ўтказиш пунктини **24/7** режимга ўтишини қуриб чиқиш.

Натижада: 2 кунгача юк ташувлари муддати ва 10%гача ҳаражатлар қисқарилиши кутилмоқда.

КОРИДОР

ЎЗБЕКИСТОН - ҚОЗОҒИСТОН – РОССИЯ - БЕЛОРУССИЯ (УКРАИНА) – ЕВРОПА

ТЕМИР ЙЎЛ	АВТОМОБИЛЬ
МАСОФА (км)	
4 300 4 800	4 000 6 500
ТАШИШ МУДДАТИ (кун)	
15-17	16-21
ТАШИШ НАРХИ (долл.)	
4 800 +1 000 5 300 +1 200	5 500-8 000 (экспорт) +3 000 7 500-8 500 (импорт) +500

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ ЮКЛАР ҲАЖМИ

9,12
млн. тонна

АСОСИЙ ЮКЛАР

- ТЕХНОЛОГИК АСБОБ-УСКУНА
- ФАРМАЦЕВТИКА
- ТРАНСПОРТ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ
- ТЕКСТИЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ

МУАММО/САБАБ


- **Россия ва Беларусь** юк автоташувчиларига **Европа Иттифоқи** давлатларига кириш тақиқланиши натижасида, Европага юк ташувларида **Марказий Осиё** давлатлари юк ташувчиларига талаб кескин ошиб, Европанинг айрим давлатлари билан ташувларни амалга ошириш учун рухсатнома бланкалари сонини етишмаслиги кузатилмоқда;
- Ўзбекистон халқаро юк автотранспорт воситалари ҳайдовчилари **Европа Иттифоқи** давлатларига юк ташувларини амалга оширишда виза олиш учун **3 – 4 ойгача** навбат кутишига тўғри келмоқда;
- Европа Иттифоқининг айрим давлатлари хусусан, **Сербия**, **Бельгия**, **Македония**, **Швеция**, **Норвегия**, **Эстония** билан халқаро автомобиль ташувлари бўйича норматив-ҳуқуқий асослар мавжуд эмас;
- миллий автоташувчилар Европа Иттифоқи ҳудудида халқаро юк ташиш учун етарлича малака ва кўникмаларга эга эмас.

ТАКЛИФЛАР


- Европа давлатлари билан халқаро автомобиль ташувларига рухсатнома бланкалари сонини ошириш (**20 000**) ва рухсатномасиз тизимга ўтиш (**Латвия, Литва, Польша, Германия**);
- Болтиқ бўйи давлатлари портлари орқали юкларни ташиш ҳамда уларга чегирмалар (**10%**) олиш;
- Европага ҳайдовчилар Шенген виза олишдаги қийинчиликларни бартараф этиш;
- Европа йўналишида малакали ҳайдовчиларнинг сонини кўпайтириш (эҳтиёж **7000 та**);

Натижада: 2-3 кунгача юк ташувлари муддати ва 10% гача ҳаражатлар қисқарилиши кутилмоқда.


ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"



ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"



ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"



Кутилаётган натижалар

- Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги” индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрни 2026 йилга қадар77 – поғонадан паст бўлмаган даражагача кўтарилади;
- миллий қонунчилик халқаро стандарт ва талабларга мувофиқлаштирилади;
- транспорт ва логистика соҳасига технологик тараққиёт билан ҳамоҳанг шаффоф, самарадор рақамли технологиялар жорий этилади;
- божхона тартиботларини янада соддалаштириш орқали мамлакатнинг инвестицион ва транзит жозибадорлигини ошириш ҳамда ТИФ иштирокчиларига қулай шароитлар яратилади;
- давлат-хусусий шериклик асосида узунлиги 650 км бўлган тезюрар пуллик автомагистраллар (автобанлар) қурилади;
- 172,5 км янги темир йўл линиялари қурилади;
- халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларининг 405 километрдан ортиқ қисми реконструкция қилинади;
- 1 139 та таъмирталаб кўприк ва йўл ўтказгичлар таъмирланади;
- 605,5 км темир йўл линияларини электрлаштириш натижасида, электрлаштирилган темир йўл линиялари улуши 47,0 фоизга етади;
- халқаро стандартларга мос келадиган замонавий логистика марказлари ва TIR парклар қурилади ҳамда халқаро юк ташувчиларга қулай шароитлар яратилади;
- электрон ҳужжатларни жорий этиш ҳисобига юкларни ташиш жараёнида маълумотлар алмашинуви тезлашади ва ташиш жараёни соддалаштирилади;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи транспорт йўлакларнинг халқаро транспорт йўлакларига интеграцияси чуқурлаштирилади, республиканинг транзит салоҳияти оширилади ва миллий транспорт йўлакларининг рақобатбардошлиги таъминланади;
- минтақавий ва трансминтақавий халқаро ташишларни, логистика тармоқларини ривожлантириш бўйича минтақада ягона техник сиёсат юритилишига эришилади.